



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz

2019-YIL 29-AVGUST, PAYSHANBA, 34 (824)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКISTON ҚАҲРАМОНИ” УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА



Erniyozov Musa Tajetdinovich



Murotova Lola Neimatovna



Normuradov Hasan Norbekovich

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустақамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, Ватанимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги улкан хизматлари, сўнги йилларда юртимизда жадаллик билан олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнидаги ташаббускорлиги ва фидойилиги, давлат ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш йўлидаги фидокорона меҳнати, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маънавий соҳалардаги кўп йиллик самарали ва ибратли фаолияти, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиб, олий нишон – “Олтин юлдуз” медали топши-

рилсин:

Erniyozov Musa Tajetdinovich – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси.

Murotova Lola Neimatovna – Фарғона вилояти Олтиариқ тумани “Нурли обод” фермер хўжалиги бошлиғи

Normuradov Hasan Norbekovich – “Нуроний” жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 28 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI DAVLAT MUSTAQILLIGINING YIGIRMA SAKKIZ YILLIGI MUHOSABATI BILAN FAN, TAYLIM, SOGLIQNI SAQLASH, ADBIYET, MADANIYAT VA SAN'AT SOHALARI XODIMLARIDAN BIR GURUXINI MUQOFOTLASH TUGRISIDA

Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш, миллий гоани ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва серқирра ижоди, илмий-инновацион фаолияти, самарали хизматлари, ёш авлодни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар билан тақдирлансин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми”

Турсунназаров Йигитали – Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”

Турдиева Кавсар Шералиевна – Тошкент педиатрия-тиббий институти ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедраси мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, юртимиз тараққиётти, тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун қуйидагилар муқофотлансин:

“Буюк хизматлари учун” ордени билан

Юлдашев Баҳадир – “Дийдор” театр-студияси бадий раҳбари

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Ёрматов Шермат – Ўзбекистон давлат филармонияси “Булбулча” болалар хор ва рақс жамоаси бадий раҳбари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

Алимова Халида Рауфовна – Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Исмаилов Зуннур Турсунович – М. М. Федорович номидаги клиник санаторияси раҳбари, Тошкент шаҳри

Ким Виталий Яковлевич – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали 1-жонлантириш бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Зиёев Урал Абулқосимович – Оқдарё тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби онон-рум кураши бўйича катта мураббийи, Самарқанд вилояти

Мирзаев Абдирашид – Чироқчи туманидаги “Абдирашид полвон Мирзаев” кураш клуби тренери, Қашқадарё вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”

Радзивил Светлана Михайловна – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Исмаилов Хашимжон – Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли бадий раҳбари

Каримова Сураё Убайдуллаевна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директорининг илмий ишлар бўйича уринбосари



Самимий қутловлар


Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига равақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номидан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табриқлар ва энг эзгу тилақлар билдиришга ижозат бергайсиз.

Мен Хитой – Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқдаман, Сиз билан ўртамуносабатидаги самарали ишчан ва шахсий алоқаларни юксак қадрлайман.

Сиз билан сиёсий ўзаро ишончни мустақамлаш, икки мамлакат ва халқлар фаровонлиги учун Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини узлуқсиз ва изчил ривожлантиришга эришиш мақсадида “Бир макон, бир йўл” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳамкорликни чуқурлаштиришга биргаликда саъй-ҳаракат қилишга тайёрман.

Дўст Ўзбекистонга тараққиёт ва куч-қудрат, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Миллий байрам – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан энг самимий табриқларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт борасида гоят салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистон ҳақли равишда дунё майдонида юксак нуфузга эга бўлиб бормоқда, минтақавий ва халқаро масалаларда конструктив роль ўйнамоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги азалий анъанавий дўстлик, ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан таъкидлайман.

Ишончим комилки, биз бундан кейин ҳам халқларимиз фаровонлиги, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлашда давом этамиз.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, чин юракдан сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, барча юртдошларингизга фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир Путин,
Россия Федерацияси Президенти

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизни ва Ўзбекистон халқини Америка халқи номидан 1 сентябрь – мамлакатингиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан табриқлайман.

Сизнинг Оқ уйга ташрифингизни ёдга олиб, мамлакатларимиз ўртасида сўнги йилларда мустақамлашиб бораётган стратегик мулоқотларни юқори баҳолашимни таъкидлашни истар эдим.

Шунингдек, Сизнинг Ўзбекистон аҳлига хизмат қилувчи янада мустақам, шаффоф ва масъулиятли ташкилотлар яратиб орқали мамлакат келажагига содиқлигингизни қадрлайман.

Сизнинг муваффақиятли ютуқларингизда шерик бўлишдан гурурланамиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига келгуси йиллар барқарор ва самарали бўлишини тилайман. Янада яқинроқ ҳамкорликни қизғин кутиб қоламан.

Ҳурмат билан,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Қутловлар келиши давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ходимларидан бир гuruhини мукофотлаш тўғрисида

Рафиков Абзал Азимович – Ўзбекистон давлат академик рус драма театри актёри

Сияев Сагдулла – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Тухтабаев Худайберди – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Юсупова Нуртожи Чонаевна – Наманган шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактаби директори, Наманган вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Адилов Юсуфжон Бакиевич – Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста

Алимов Шавкат Арифджанович – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорининг илмий консультанти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги

Анарбаев Абдулхамиджон – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институтининг Тошкент бўлими бошлиғи

Бабаджанова Гульджахан Саттаровна – Тошкент тиббиёт академияси акушерлик ва гинекология кафедраси мудири

Бадалбаев Салимджан Сабирджанович – Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, хатот

Байтаев Ғиёс Ахмадқуллович – Ўзбекистон давлат филармониясининг “Наврўз” ашула ва рақс ансамбли олий тоифали хонандаси

Бегматов Саибжон Махмудович – Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори, мақомшунос

Буриев Аманулла – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим бошлиғи

Дустмуратов Бекназар – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти миллий қўшқичлик кафедраси мудири, доцент

Жалилова Клара Алимадатовна – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Закиров Бахтиёр Сабиржонвич – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти директори

Ибрагимбекова Гулчехра – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Ибрагимов Абдинаб Бегимқуллович – Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли хонандаси

Иосиф Игорь Зиновьевич – Ўзбекистон давлат филармонияси овоз режиссёри

Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна – Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси профессори

Каланов Аслиддин Джураевич – Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти миниатюра ва китоб графикаси кафедраси доценти

Мадрахимова Гулмира Улмасжановна – Ўзбекистон давлат филармонияси “Навбахор” ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари

Матякубова Гавхар – Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлинмаси сахналаштирувчи балетмейстери

Назарханова Севара Анваржановна – “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Нишанов Хатам – Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Поянов Абдиназар – Қизирик туманидаги “Қўнғирот” фольклор-этнографик халқ дастаси бадий раҳбари, бахши, Сурхондарё вилояти

Пулатова Наима Қудратовна – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри олий тоифали солист-вокалисти

Суянова Замира Ражабовна – Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий хонандалик кафедраси доценти

Тожибаев Комил Шаробитдинович – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти директори

Тўйчиев Исломали Райимович – Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмасининг 17-қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Андижон вилояти

Тўйчиев Ялкин Эркинбоевич – “Ўзбекфильм” давлат унитар корхонаси режиссёри

Умиратов Балтоҳоджа Ерматович – Тошкент давлат техника университети умумий физика кафедраси профессори

Файзуллаев Хикматулла Рашидович – Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг рассомлик бўлими ўқитувчиси

Ҳакимов Садулла – Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

Хидиров Ирсали – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти бош илмий ходими

Шамсутдинов Рустамбек Темирович – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, Андижон вилояти

Юсупов Иброҳимжон Юсупович – Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори

Юсупов Шуқрулла – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Исмаилова Тоҳира Абдусаматовна – Янгийўл туманидаги “Кичкинтой” болалар уйи бош шифокори, Тошкент вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Ахмедова Марям Халилаевна – Амударё тумани ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бозоров Наим Назарович – Пешку тумани тиббиёт бирлашмасининг “Боқимиришкор” қишлоқ врачлик пункти мудири, Бухоро вилояти

Ибрагимова Зухра Аметовна – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Қорақалпоғистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси

Мирсолиева Муқаддас Камолевна – Бўка тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири, Тошкент вилояти

Нишанбекова Шаҳида Махраббековна – Дангара туманидаги “Abu Bakr ar-Roziy med servisi” хусусий клиникаси бош шифокори, Фарғона вилояти

Тураев Бахтиёр – Қашқадарё вилояти кўз касалликлари шифохонаси микрохирургия бўлими шифокори

Усманов Агзамжон Нааябжанович – Олмазор туманидаги “New Life Medical” хусусий клиникаси ядро тиббиёт маркази раҳбари, Тошкент шаҳри

Чупрова Валентина Александровна – Республика қон қуйиш маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллабеков Каҳарбай Насирбекович – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти лаборатория мудири

Абдуллаева Гулджан Джумашовна – Ибройим Юсупов номидаги қорақалпоқ тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдуллаева Камола Жаҳангирова – В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг торли чолғулар бўлими виолончель синфи ўқитувчиси

Абдуллаева Муҳаббат Ходжиалимовна – Ўзбекистон давлат драма театри олий тоифали актёри

Абдуқуллов Уктам Улмасович – “Polaris Technologies” масъуляти чекланган жамияти директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

Ақбарова Гулнора Илйосовна – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг бадий экспертиза бошқармаси бош санъатшунос-эксперти

Аллаев Каҳраман Раҳимович – Тошкент давлат техника университети электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси профессори

Алнизов Айтмурат Исмаилович – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Қорақалпоқ гуманитар фанлари илмий-тадқиқот институти директори

Байжанов Аллаберган Кадирович – Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори

Бегимов Мурат Полатович – Қорақалпоқ давлат кўнғирот театри бош режиссёри

Бекмуратов Мансур Бобомуратович – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бошқаруви соҳасидаги психология кафедраси мудири

Болоболов Владимир Владимирович – Фарғона вилояти 3-сил касалликларига қарши курашиш диспансери даволаш бўлими мудири

Бузина Ольга Николаевна – Самарқанд вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази директори ўринбосари

Бурмиш Ольга Александровна – Фарғона вилояти рус драма театри олий тоифали актёри

Васильева Ирина Анатольевна – Спорт яккаурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби қиличбозлик бўлими мураббийи

Вахабова Фируза Наримановна – Яққасарой туманидаги “Лидер болалар мактаби” нодавлат таълим муассасаси директори, Тошкент шаҳри

Голендер Борис Анатольевич – Тошкент шаҳридаги Сергей Есенин музейи илмий ходими

Ешанова Тамара Кошановна – Қорақалпоғистон Республикаси ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази ҳамшираси

Жамолдинов Акмалжон Зайлобиддинович – Тошкент шаҳар “Туркистон” саройи бош рассоми

Кабиров Истам Ашурович – Когон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бокс спорт тури тренери, Бухоро вилояти

Кадирова Барно Азимовна – “Ўзбекфильм” давлат унитар корхонаси актёри

Каҳаров Эркин Олимович – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби бўғинидаги хореография коллежи ўқитувчиси

Курбанова Диларам Султановна – Мирзаобод тумани тиббиёт бирлашмасининг “Оқолтин” қишлоқ врачлик пункти мудири, Сирдарё вилояти

Мадиев Жуманазар Ҳайдарович – Қизирик тумани тиббиёт бирлашмасининг “Хўжайпоқ” қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори, Сурхондарё вилояти

Молокова Людмила Ивановна – Тошкент шаҳридаги “Вега Мед Хаус” хусусий клиникаси гастроэнтеролог шифокори

Мухамедова Угуллой Низомовна – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг хореография кафедраси ўқитувчиси

Нагашибаева Камаш Нагашибаевна – Томди тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

Наризова Иба Қушжановна – Конимех туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Норматов Илхом Нурматович – Жиззах вилояти мусиқали драма театри бош режиссёри

Отениязов Жуманияз Палуанович – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Қорақалпоғистон Республикаси

Пирназарова Айгул – Нукус шаҳридаги И. Савицкий номидаги давлат санъат музейи катта илмий ходими, Қорақалпоғистон Республикаси

Раҳимджанова Илмира Рискалиевна – “Ўзбекфильм” давлат унитар корхонаси актёри

Раҳимов Каҳхор Абдиевич – Деҳқонobod туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, бахши, Қашқадарё вилояти

Режаметова Фотима Туганбаевна – Ўзбекистон давлат ёшлар театри актёри

Сабиров Агабай Каримович – Ўзбекистон давлат филармониясининг “Лазги” ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари

Сабирова Умид Пулатовна – Урганч шаҳридаги “Нихол” нодавлат таълим муассасаси директори, Хоразм вилояти

Тухтаев Мурод Бақиджанович – Тошкент шаҳар хўжалик ҳисобидидаги эшитиш ва нутқни тиклаш ҳамда овоз реабилитацияси маркази шифокор отоларинголог

Фозилов Жўра Ваҳобович – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Бухоро вилояти

Халмурзаев Ташмурза – шарқшунос олим, Тошкент шаҳри

Халмурзаева Атиргул Исаковна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ҳузуридаги Тошкент ботаника боғи мутахассиси

Хожабергенов Дарибай Айтбаевич – Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри вокал артисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Худояров Солижон Азимович – Фарғона вилояти спорт яккаурашига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тазқондо бўлими ўқитувчиси

Ҳикматова Холида Нурсатовна – Бухоро шаҳридаги 9-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори, Бухоро вилояти

Шамсутдинов Рустам Динамович – оммавий байрам тадбирлари режиссёри, Тошкент шаҳри

Шарапова Гулбахор Исомовна – “Ғиждувон диагностика маскани” хусусий клиникаси директори, Бухоро вилояти

Шубин Вячеслав Егорович – сув спорти турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг байдарка ва канозда эшак эшиш бўлими тренери, Тошкент шаҳри

Эшонқуллов Жоппор Салиевич – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи директори

Юлдашев Алишер Хамитович – Хоразм вилояти мусиқали драма театри сахналаштирувчи режиссёри

Юсупова Огулнабат – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри оркестри артисти

Мамлакатимизда ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Шухрат” медали билан

Абдуллаева Дилноз Кенгешбаевна – Кўнғирот туманидаги “Wunderkind in Kungrad” нодавлат мактаб-гача таълим муассасаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Алимахсумов Камолитдин Мохирович – Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли биринчи тоифали хонандаси

Бабаева Ойнисо Амбияевна – Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри биринчи тоифали вокал артисти

Базарбаев Полат Жолдасбаевич – Нукус шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг каратэ спорт тури бўйича ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Байматов Сирожиддин Гиясович – Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, ганч ўймаkori

Боқиев Жамолхон Турғунпулатович – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими раҳбари

Джаббаров Гулистон Музапаровна – Самарқанд вилояти мусиқали драма театри олий тоифали вокал артисти

Джураев Бахтияр Мамадаминович – Сурхондарё вилояти силга қарши курашиш диспансери бош шифокори

Есемуратов Бахтияр Сагдуллаевич – Ўзбекистон давлат филармониясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси директори, жиров

Закиров Шухрат Рихисаевич – Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, бастакор

Зарипов Бунёдбек Давронбек ўғли – Тошкент Турин политехника университетининг дастурий таъминот йўналиши талабаси

Ибрагимов Умид Сайфуллаевич – Жиззах вилояти кўзи оғизлар кутубхонаси директори

Исмаилова Саида Хусановна – Ўзбекистон давлат

филармониясининг Миллий симфоник оркестри олий тоифали артисти

Кенжаев Бобир Қандиёрович – Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли олий тоифали хонандаси

Қурбонов Абдукарим Қайюмович – Сурхондарё вилояти кўзи оғизлар кутубхонасининг Шеробод тумани филиали мудири

Лутфуллаева Муборак Бахруллаевна – Ўзбекистон давлат филармонияси “Ёш истеъдодлар” камер оркестри бадий раҳбари

Максудов Фарход Алижонвич – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институти директори

Менглиев Абдижалоил Тоштемирович – Термиз шаҳридаги “Утан полвон” хусусий диагностика ва даволаш маркази раҳбари, Сурхондарё вилояти

Муродов Шарофиддин Тождидинович – Ўзбекистон давлат филармонияси Ўзбек миллий муомтоз ашула ансамбли хонандаси

Мухамедова Азиза Нурмахматовна – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Мамадова Ширин Мамаджановна – “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Мухитдинова Насиба Ахмадқулловна – Жиззах вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг Ҳамид Олимжон ва Зулфия филиали катта илмий ходими

Норкузиев Мурод Мамадининович – Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи анъанавий ижрочилик бўлими ўқитувчиси

Оринбаева Улбосин Адилбаевна – Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси “Мухаллес” дуторчилар ансамбли бахши-созандаси

Рахманова Хожибоби Раимбергеновна – Хонқа тумани тиббиёт бирлашмасининг “Ал-Хоразмий” қишлоқ врачлик пункти мудири, Хоразм вилояти

Рахмонов Шерали Мамажонвич – Фарғона вилояти маданият бошқармаси қошидаги мақом ансамбли хонандаси

Ризаева Гулнора Шоназаровна – Каттақўрғон шаҳар драма театри актёри, Самарқанд вилояти

Рустамов Батир Назарович – Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилояти бўлими сахналаштирувчи балетмейстери

Рўзमतов Олимжон Алижонвич – Шахрисабз шаҳридаги “Оила ва никоҳ диагностика маркази” хусусий клиникаси бош шифокори, Қашқадарё вилояти

Сандов Акмал Бахтиёрович – “Ўзбекфильм” давлат унитар корхонаси олий тоифали постановквачи рассоми

Сандов Бунёд Юсупович – “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси Хоразм вилояти бўлими хонандаси

Салимов Саибжон Норвич – Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, ганчкор-наққош

Самаров Хонкул Қаҳҳорович – Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасарруфидидаги Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси мудири

Султонов Дилмурод Уктамбоевич – “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси Хоразм вилояти бўлими хонандаси

Тобис Сергей Владимирович – Юнусобод туманидаги “Лор плюс сервис” хусусий клиникаси отоларинголог шифокори, Тошкент шаҳри

Тожибаева Муқаддас Холдаровна – Поп туманидаги “Мурувват” ногиронлар интернат уйи ҳамшираси, Наманган вилояти

Тураев Акмал Ботирович – Муқимий номи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озодликдан махрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони юрtdошлари-мизни қувонтирди, ўнлаб оилаларга қувонч бағишлади.

Инсон борки ҳаётда билиб-билмай хато қилади, адашади, жиноятга қўл уради... Аммо бу хатолари уларни жамиятдан батамом ажратиб, номларини бир умр ёмонотлиқ бўлиб қолишига сабаб бўлолмайди. Илло ажабмаски, мана шундай адашишлари туфайли бундайлар тўғри йўлга тушиб кетишни ич-ичларидан истаётган, тўғрироғи, чин дилдан тавба қилаётган бўлсалар. Бағрикенг халқимизнинг ўғитлари ҳам бизни доимо кечиримли бўлишга, қоқилгани қўлдан тутиш ва тўғри йўлга тушиб олишда кўмак, имкон беришга ундайди.

нояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслардир, — дейди **Олий суд судьяси Нишонмурод Мирзаалимов**. — Айтиб ўтиш керакки, кейинги уч йилда юртимизда 7 марта афв эълон қилиниб, 3 минг 952 нафар шахс афв этилди. Бу халқимизга хос инсонпарварлик, олижаноблик фазилатларнинг амалдаги яққол ифодасидир. Айни фармон билан афв этилган шахсларнинг 17 нафари жазодан тўлиқ озод қилинди, 13 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилин-

Фармон ва ижро

гояларига йўрилган қарашларни адабиётларда акс эттириш ва одамларга синдиришдек мақсадни кўзлашган экан. Буни барчамиз кўлга олинган, менга тушунтириб беришгандагина билдим. Ва жинсий тўдага қўшилганим учун айбдор деб топилдим. Ҳар сафар афв эълон қилинишидан олдин мен ҳам умид билан кутардим. Кечирим сўраб ёзган аризам Президентимизга етиб борганмиким, деган уйда юрардим. Шукрки, шу сафар мен ҳам афв этилдим. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ, буни сўз билан ифодалашим мушкул. Албатта мени оилам, фарзандларим бағрига қайтариб, яна бир имконият бергани учун бунга муносиб жавоб беришга, бундан буён қимматли вақтимни эзгу ишларга бағишлашга интилам.

“Ўз оилам бағридаман”

Ана шундай фазилатларимизнинг амалдаги исботи ўлароқ, кейинги йилларда турли хил сабаблар туфайли ҳаёт йўлларида қоқилган, йўл қўйилган аянчли хатolikлардан тўғри хулоса чиқариб, тузалиш йўлига ўтган маҳбусларни Мустақиллик байрами арафасида афв этиш аънаъанага айланиб бормоқда. Шу боис айни сана арафасида озодликдан махрум этилган шахслар ва уларнинг яқинлари қалбида умид уйғонмоқда. “Афвга мен ҳам эришармиканми?” ёки “Отам ё онамнинг хатоларини афв этишармиканми?” деган илгирда Президентимизнинг фармони интизорлик билан кутишди.

Жорий йилнинг 27 август кунин Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шундай ҳужжатга имзо чекиб, қўлпаз интиқ дилларга қувонч улашди. “Озодликдан махрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги мазкур фармон билан 65 нафар фуқаро афв этилди.

Уларнинг барчаси содир этган жи-

ди, 20 нафарига эса тайинланган жазо энгилроғи билан алмаштирилди. Бир сўз билан айтганда, 50 нафар шахс озодликдан махрум этиш жойларидан ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилди. Шунингдек, 14 нафар шахсга тайинланган озодликдан махрум этиш жазосининг муддати қисқартирилди ва 1 нафар шахс озодликни чеклаш жазосидан озод қилинди. Афв этилганларнинг 4 нафарини аёллар, 1 нафарини 60 ёшдан ошган шахс, 1 нафарини чет эл фуқароси, шунингдек, 39 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган фуқаролар ташкил этди.

Пойтахтлик Азим Қосимов ҳам бу бағрикенгликдан баҳраманд бўлиб, яқинлари бағрига қайтди. У тўққиз йил бурун жиноят йўлига кириб, ўн йилдан ортиқроқ муддатга озодликдан махрум этилган эди.

Дўстларим илитмос қилишганида уларни айтган жойларига машинада олиб бориб қўядим ва ўзим ҳам дин қондаларини ўрганаётган эдим, — дейди у. — Аммо улар диний-эстремистик

Таъкидлаш керакки, фармон имзоланиши билан тегишли ташкилотлар унинг ижросига ҳам киришди. Ўтган қисқа вақтда афв этилганларнинг барчаси жазони ижро этиш муассасалари билан ифодаланиш мушкул. Албатта мени оилам, фарзандларим бағрига қайтариб, яна бир имконият бергани учун бунга муносиб жавоб беришга, бундан буён қимматли вақтимни эзгу ишларга бағишлашга интилам.

Шу билан бирга фармон ижросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга кўмаклашиш юзасидан маъсул вазирлик, идоралар ҳамда ҳокимликларда берилган топшириқларни бажаришга киришилди.

Муҳими шундаки, 50 нафар шахс озодликдан махрум этиш жойларидан уларига қайтарилгани ана шунча оилада бугун бағрибўтунлик, шоду хурамлиқ, бахтиёрлик улашганлигидан дарак беради. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги уларнинг ёдида янада ёрқин ва ёқимли таассурот билан қолади.

Ўз мухбиримиз

Меҳнат мигрантларига имтиёзлар берилмоқда

Муносабат

Бунда O‘zLiDePнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор

Бугун ҳаёт миқёсида миллионлаб аҳолининг бошқа ўлка ёки шаҳарларга бориб ишлаши оддий тусга айланди. Мазмунотларга қараганда, 2017 йили дунёда жами пул кўчирмаси 596 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 450 миллиарди ривожланаётган давлатларга юборилган.

Ушбу сумма мазкур мамлакатларнинг тараққий этишига кўмаклашиш мақсадида ажратилган маблағдан уч қарра кўпроғини ташкил этади. Яна шуниси ҳам борки, муҳожирлар меҳнатидан қўриладиган даромаднинг 85 фоизи меҳмон мамлакатга қолади. Яъни, улар келтираётган фойданинг 15 фоизигина она юртига йўналтирилади, холос. Бинобарин, ривожланган давлатлар ҳам, ривожланаётган ўлкалар ҳам меҳнат миграциясидан манфаатдор.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, хорижга ишлагани жўнаб кетаётган юрtdошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августда имзоланган “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги фармони ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 23 августда қарор қабул қилинди.

Президентимиз фармонида меҳнат мигрантлари ва оила аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, давлат томонидан уларнинг кундалик эҳтиёжлари ва орзу-умидлари тўғрисида ҳар томонлама гамхўрлик қилиш, мамлакат ҳудудида ҳам, чет элда ҳам ишончли ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини кучайтириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Шу ўринда мазкур меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг тақлифлари ҳам инobatта олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2020 йилда уй-жой шaroитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига давлат дастурларининг ижроси доирасида кўп қавратли уйлاردан 3 462 та жондан ажратилиши; хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун 2019-2020 йилларда 10 фоиз ва 2021 йилда эса 12 фоиз ставкада микроқарз берилиши, ҳаёт ва соғлиқни ҳамда бошқа таваккалчиликларни суғурталаш бўйича бир марталик субсидиялар тақдим этилиши чет элда ишлаётган юрtdошларимизнинг оғирини энгил қилиши билан аҳамиятлидир.

Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида янги ташкил этилган Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти миграция жараёнларини комплекс таҳлил этиш, ташқи меҳнат миграцияси сабаблари ва омилларини, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек, уларнинг хорижда бўлиш шарт-шaroитларини яхшилаш билан боғлиқ тизимли муаммоларни аниқлаш каби вазифалар билан шуғулланади. Бир сўз билан айтганда, энди хорижда ишлаётган юрtdошларимиз учун жон кўйдирадиган ягона давлат тузилмаси пайдо бўлди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2019 йил 1 октябрга қадар “Ягона миллий меҳнат тизими” доирасида “labor-migration” дастурий мажмуасини жорий этилиши кўзда тутилган. Мазкур электрон манба хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқароларга иш беришчи мамлакатда бўлиш қондалари, меҳнат, ижтимоий, уй-жой ва маиший таъминот шaroитлари, хорижий иш бериувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий ёрдам чоралари тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда етказди. Чет элда оғир вазиятга тушиб қолган ва ёрдамга муҳтож меҳнат муҳожирлари томонидан масофадан туриб мурожаат йўллаш имконияти яратилди.

2020-2021 йилларда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Екатеринбург, Новосибирск, Волгоград, Пятигорск (Россия Федерацияси), Истанбул (Туркия), Нур Султон (Қозғоғистон), Дубайда (Бирлашган Араб Амирликлари) вколатхоналарини очиб назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, чет элга ишга кетаётган фуқароларни касбга йўналтириш марказлари 2020 йил 1 январьга таъкил этилади. Ҳар бир таълим олувчи учун бир ойда 4 базавий ҳисоблаш миқдорида ортиқ бўлмаган грантлар ажратилади. Шунингдек, ишга жойлашган патент ва бошқа ҳужжатлар берилишининг рад этилиши ҳамда транспорт харажатлари ва бошқа харажатлар учун кредитлар қайтарилмаслиги таваккалчилигини суғурталаш, ихтиёрий тўлғий суғурта учун имтиёз берилади. Ватанга қайтиб келган меҳнат мигрантларига Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳисобидан грантлар бериш йўли билан бепул касбий ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш чоралари қўрилади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижда ишлаётган юрtdошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бугун чинакамига давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Самариддин ЭЛМИРЗАЕВ,
Тошкент Молия институти кафедра мудири,
иқтисодийёт фанлари доктори

Аввалига ишонмадим...

Уч ой бўлди, Россиянинг олис Якутия ўлкасига келганимизга. Тушимизга кирмаган жойларда юрибмиз. Ўзбекистонда бир муддат Кито бо туманидаги “Навбахор” МФЙда маҳалла посбони бўлиб ишладим. Штатларимиз қисқартирилган, “Маҳалла” жамоат фондининг туман бўлимига бир неча марта учрашдим. Ваъда беришдан нарига ўтишмади.

Уч фарзандим бор, рўзгорни тебратиш осонмас. Тайинли иш бўлмагандан кейин... қўшни қишлоқда яшайдиган, менга ўхшаб ишсиз қолган яна бир собиқ посбоннинг укалари Якутияда уч йилдан бери ишлашаркан, шуларни ёнига келдик. Мусофирликнинг нонини еган одам туғилган юртининг қадрига етди, дейишга ажабланардим. Бу ёқларда қисқа вақт орасида кўрган-кечирганларимни айтиб берсам, барака топкур, бир бурда нонининг ўз уйингда тинчгина есанг, кўнглинг хотиржам яшайсан-да, дея истеъзо қилишлари тайин.

Кеча уйдагилар кўнгироқ қилиб, Президентимизнинг “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги фармони қабул қилинганини айтса, аввалига ишонмадим. Қўйсанглар-чи, ҳеч замонда мигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза қилинганми, деб ажаблансам, телеграммда ана шу ҳужжат матнини юборишди. Бу ерларда қанчадан бери қийналиб бўлса-да, ҳалол ризқ топиб юрган юрtdошларимга фармонни ўқиб бердим. Бошлари осмонга етди ҳаммасининг. Асосийси, улар куну тун ортларида эсон-омон қайтишини умид билан кутаётган оила аъзолари, қоракўз фарзандларининг тақдирига дахлдор бу ҳужжат фoат муҳимлигини ҳаяжон билан гапиришди. Кўнглилари анча хотиржам тортиди. Биз қаерда бўлмайлик, ортимизда Ўзбекистон Республикаси туришини теран ҳис этдик.

Алишер БЕРДИЕВ,
Россия Федерацияси

Олисдаги боламини ўйлайман

Орзу-ҳавасли дунё, дейдилар. Айниқса, кейинги пайтда одамларнинг орзу-ҳаваси кўпайиб кетди. Соувқ ўлкаларда юриб, топган пулига иморат солади, тўй қилади. Яна узоқларга йўл олади... Онаизор борки, фарзандлари қирққа кирса, кўз ўнгига бўлишини хоҳлайди. Мен боламини ўйлаб ўзимизда ишлаб юрганнинг яхшийдми, дейман. Болам эса болаларини ўйлайди, ўғил-қизининг келажаги учун бугундан нималардир ҳозирлаб қўйгиси келади.

қилайлик, ҳаёт шундай экан-да. Чет элларда ўзбек ишчиларининг бошига бирор фалокат тушса, ўзини кўрага жой тополмай қоламан. Ўғлим тинчмикан деб телефонда овозини эшитмагунча кўнглим алаҳда юраман. Мусибат етган оилаларнинг дарди ҳам юрагимга юк бўлиб тушади... Шу чет элга ишга кетишлардан қанча оналар, хотинлар, болалар қийналади-да.

Яқинда Президентимиз меҳнат муҳожирларини қўллаб-қувватлаш бўйича фармон чиқарганидан роса қувондик. Боламининг гамини еган давлатимдан айланай, деб дуо қилдим. Айниқса, тиббий суғурта қилиниши зўр бўлибди. Олисда нима еб, нима ичади, тани-жони соғми, деб кўп ўйланамиз. Кейин, хорижда ишлаб қайтганларга ўзимизда бинойидай иш топиб беришарканми? Шундайлар бўлса-я, болажонимни қайтиб узоқ ўлкаларга жўнатмайман кўрман-а...

Ҳа, айтганча, юртбошимиз фармонида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ҳиссаси борлигини ўқиб, сизларга телефон қилияман. “XXI as” газетаси O‘zLiDePнинг нашри-ку!

Рисолат ҚАМБАРОВА,
Фаргона вилояти

Давра суҳбати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан O‘zLiDeP Сיעсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳамда Фермер, дехкон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда “Қишлоқ ҳўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишни тақомиллаштириш масалалари” мавзусида давра суҳбати таъкил этилди.



Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади

Унда манфаатдор вазирликлар, “Узагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти, ўсимликлар карантини давлат инспекцияси мутахассислари, соҳа олимлари ва журналистлар иштирок этди. Мулоқотда алоҳида таъкидланганидек, ўсимликларни зараркунанд ва касалликлардан самарали ҳимоя қилмай туриб, сифатли ва юқори ҳосил олиб бўлмайди. Шу туфайли ҳам ушбу масала мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек долзарб аҳамият касб этувчи жараённинг муҳим қисмларидан бирига айланган. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда юртимиз экин майдонларида зарарли инвазив турларнинг салмоғи ортиб бормоқда.

— Бегона ўтлар қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ва етиштирилган маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи асосий омили

хисобланади, — деди парламент кўйи палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси **Испомжон Зокиров**. — Бегона ўтлар кенг тарқалган йиллари маданий ўсимликларнинг ҳосилдорлиги галлада 10, гўзада қарийб 8, картошкада 6, сабзавотларда 11 фоизгача пасаяди. ўсимлик маҳсулотларини экспорт ва импорт қилиш бўйича иқтисодий савдо муносабатларининг, товарларни давлатлараро айирбошлаш жараёнининг кенгайиб бориши хорижий давлатлардан ўсимлик уруғлари, мева-сабзавот, полиз экинлари ва манзарали ўсимликларнинг янги навлари кириб келиши карантин тадбирларини ҳам амалга оширишни янада кучайтиришни тақозо этади.

Шу жиҳатдан “Қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини тайёрлашда соҳага доир ваколатли органларнинг ваколат ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, қонунни тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хавфли зараркунандалардан республика ҳудудининг ишончли ҳимоясини таъминловчи ички ва ташқи ўсимликлар карантини бўйича давлат тадбирларининг самарали тизимини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг мамлакат ичиде тарқалишига йўл қўймаслик босқичда ишларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир якунида “Қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш, замонавий ҳуқуқий механизмларни қонунчиликда акс эттиришга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жаҳонгир ГАЛАЕВ,
Ўзбекистон Фермер, дехкон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши етакчи мутахассиси.
Суратлари Шухрат РАҲИМОВ олган.

Учрашув самимий руҳда ўтди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси ҳамда Мудофая ва хавфсизлик масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда “Мудофая тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунлар, Сайлов кодекси, Солиқ кодекси (янги таҳрири) ва бошқа қонун ҳужжатлари доирасида бўлиб ўтган савол-жавоблар йигилганларда катта таассурот қолдирди. Парламент депутатлари Адҳам Шодмонов, Ойбек Жумаев, Расул Кушербаев, Абдурашид Абдуқодиров, Ўткир Турсунов, Тўлқин Каримов, Меҳриддин Мухаммадиев ҳамда академиянинг профессор-ўқитувчилари

мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан барча жаҳаларда, айниқса, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлашди.

Эътиборли жиҳати, академия курсантлари томонидан Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунларнинг тартиб-таомиллари, бунда халқаро ва МДҲ давлатлари тажрибасига қай даражада таянилиши, жорий йилда ўтказилган сўраш-сураш жараёнига сиёсий партияларнинг, хусусан, O‘zLiDePнинг қай даражада тайёргарлик қўраётганлиги, партиялар ўртасидаги рақобат муҳити, бундай муҳим жараёнларда ҳарбийларнинг иштироки билан боғлиқ берилган саволларга депутатлар атрафлича жавоб беришди.

Тадбир сўнгиде фаол курсантларга партиянинг эсдалик савгалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Ватандан азизроқ бойлик бормикан?..

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига навбатдаги ташрифидан кейинги ўйлар



Зафар ХАНИЯЗОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Истиқлол – улғу неъмат. 1991 йил 1 сентябрь – халқимизни жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва ўз сўзига эга бўлиш бахтига муяссар қилган энг қутлуғ сана. Тараккиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилаётган Ўзбекистонда мустақилликнинг 28 йиллигини нишонлаш тадбирлари аллақачон бошланиб кетгани эртанги кундан кўнгил тўқлигининг ифодасидир. Бундай пайтларда босиб ўтилган йўлга назар ташлаш, кискса даврда эришган натижаларни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадда мувофиқдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида миллий давлатчилик ва демократик жамият пойдевори янада мустаҳкамланаётгани, чегаралар дахлсизлиги таъминланиб, тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётгани, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити қарор топгани одамларга янада кўтаринки кайфият бағишла-

моқда. Юртимизнинг қайси ҳудудига борманг, айём муносабати билан фойдаланишга топширилаётган иншоотлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарига кўзингиз тушади.

Истиқлол тантаналари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қизгин давом этмоқда. Маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашсангиз, "Президентимизнинг Оролбўйи минтақаси-

га ҳар бир келиши биз учун байрам асида, мустақиллик куни арафасидаги ташрифи эса қўшалоқ байрам бўлди", деган самимий фикрларни эшитасиз. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари бу галги сафари чоғида Қонлиқул туманида амалга оширилаётган қурилиш ва йирик лойиҳаларнинг фаолияти билан яқиндан танишгани, туманни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш чораларини кўриш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар бергани чиндан-да бунёдкорлик байрамидир.

Юртбошимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли Қонлиқулнинг иқтисодий кўрсаткичлари тобора яхшиланиб бормоқда. Буни санаот маҳсулотларини ишлаб чиқариш 101,9 фоиз, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш 100,8 фоиз, қурилиш ишлари 112 фоиз, чакана савдо айланмаси 107,7 фоиз ва экспорт ҳажми 195,3 фоизга бажарилганида ҳам кўриш мумкин. Ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар асосида бўш турган объектларни бизнес субъектларига бериш, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш борасида ҳам илдам қадамлар қўйилаётгани ана шу ғамхўрлик самарасидир.

Биргина туманда жорий йилнинг ўзида тадбиркорлик субъектларига инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини яратиш шарти билан давлатга тегишли 4 та объект электрон аукцион савдолари орқали сотилгани бежиз эмас. Инвестиция дастурига асосан жорий йилнинг

ўзида жами 14,4 млрд. сўмлик 12 та объектни қуриш ва таъмирлаш белгиланган.

Республиканинг яна бир чекка ҳудуди – Қўнғирот туманида ҳам кейинги йилларда мақтаса арзигулик ишлар амалга оширилди. Биргина "Обод қишлоқ" дастури доирасида "Қорақалпоғистон" посёлкисида жами 43,5 млрд сўмлик қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилгани айтишга осон, холос. Кўп қаватли уйлар, ички автомобиль йўллари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, тиббиёт ва спорт муассасалари, корхона ва бинолар қайтадан таъмирлангани ҳам байрам байрамга уланганидан далolat, назаримизда. Эътибор қилинг: Қўнғирот туманида қисқа вақт ичида 11 та ижтимоий соҳа объектлари жами қиймати 9,7 млрд. сўмлик мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Барча соҳа ва тармоқлардаги ўзгаришлар кўшиб ҳисобланганда ушбу рақам қанчалик йириклашганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мўйноқнинг бугунги ҳолатини туманнинг икки йил аввалги аҳоли билан умуман солиштириб бўлмайди. Менга қолса, ислохотларнинг янги босқичи айнан Мўйноқдан старт олди, деган бўлардим. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари вазифасини бажаришга киришиши билан Мўйноққа келган ва ҳозир сиз билан биз кўриб турган ўзгаришларнинг тамал тошини қўйиб берган эди. Шундай азму шижоат негизда қанча вақтлардан бунён глобал экологик вазият гирдобиди қолган Мўйноқнинг иккинчи умри бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилингандан сўнг бу юртда яшаётган инсонларнинг кўкракларига шамол тегиб, умид куртаклари пайдо бўлди. Мазкур ҳудудни ривожлантириш, қўламазорлаштириш, аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш бўйича ишлар борган сари жадаллашмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик асосидаги Траст фонди тузилганини ҳам қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация маркази, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани, энг муҳими, денгизнинг қуриган тубида кўз илгамас кенгликларда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилаётгани асрларга татигулик ишлар, десак муболага бўлмайди.

Мўйноқда, шунингдек, давлат хизматлари маркази, амфитеатр, бассейн, спорт зали, муסיқа ва санъат мактаби, тиббиёт маскани ва бошқа объектлар билан бирга аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида барча қулайликларга эга бўлган кўп қаватли уй-жойлар қад кўтармоқда. Хуллас, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса Мўйноққа келиб кўрсин.

Муаммолар ечимининг мулоқот усули

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Президентимизнинг 2019 йил 15 мартдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, "Тадбиркорлар манфаатлари – хамиша эътибор марказимизда" мавзусида электорат вакиллари билан учрашув ташкил қилинди.

Унда тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз томонидан тадбиркорлик соҳасига қаратилаётган эътибор, ишбилармонлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар эътироф этилди. Кичик бизнес вакиллари билан мулоқот қилиш орқали уларнинг муаммоларига ечим топиш юзасидан аниқ таклифлар ўртага ташланди.

– Мамлакатимизда бизнес юришти учун қулай шарт-шароитлар



яратиш ва инвестициявий жозибдорликни оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда, – деди Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратининг бош инспектори Баҳодир Даулетияров. – Шу мақсадда муқобил ва режадан ташқари текширувларнинг барча турлари бекор қилинди, бир қатор лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди ёки соддалаштирилди.

Бизнес-омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги инспекторларига шу кунга қадар жами 99 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 37 таси қаноатлантирилган, 35 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. 7 таси тегишлиги бўйича масъул идораларга юборилган. Қолган 20 таси эса белгиланган тартибда кўриб чиқилаётган.

Юртимизда инвестиция иқлимни ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек, прокуратура органларига хос бўлмаган вазифа ва функцияларни чиқариб ташлаш йўли билан уларнинг фаолиятини оптималлаштириш мақсадида жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан амалга оширилмоқда.

Тадбир давомида тадбиркорлик субъекти вакилларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Асем СИРИМБЕТОВА

Халқ ишончини қозониб депутат бўлиш ва шу мартабага муносиб равишда фаолият юритиш осон эмас, албатта. Одамлар дарди билан янаш муҳим аҳамият касб этаётган ҳозирги замонда депутатлар зиммасидаги масъулият янада кучайгани табиий. Қайси партиядан сайланган депутатнинг амалий ишлари электорат ишончини оқлади, деган саволга жавоб топиш учун маҳаллий кенгашлар фаолиятини чуқур ўрганиш талаб этилади.



Отчопон қишлоғида мактаб йўқ эди, энди...



Отчопон қишлоғи – Тўрткўл туманининг чекка ҳудудидида жойлашган. Овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчиларнинг аксарияти ўтган сайловда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Алмагул Байриевага овоз беришган. Хўш, партиямиз депутати уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишига ҳисса қўша олдимиз?

Шу ерда яшовчи Миретсултан Халлиеванинг фикрича, 2,5 мингдан зиёд аҳолиси бор маҳалла болалари учун мактаб қурилиши бошланиши айнан шу депутатнинг олиб-югуриши билан амалга ошди. Ҳозирга қадар ўқувчилар қарийб 6 қақирим олисдаги мактабга қатнашган.

Шунинг учун ҳам депутатимиз ўз сайловчилари билан учрашганда мактаб қуриш масаласини

кўтариб чиққанди.

Муаммо юзасидан 2015 йилдан бошлаб туман ҳокимлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Халқ таълими вазирлигига ва бошқа идораларга депутатлик сўровлари юборилди. Ниҳоят, Халқ таълими вазирлиги қўмағида Отчопон аҳолисининг фарзандлари учун янги мактаб қуриб бериш ишлари бошланиб кетди. 315 ўринга мўлжалланган ушбу мактаб қурилишида меҳнат қилаётган кишиларнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси А.Байриева тез-тез Тўрткўлга келиб турибди. Бу эса сайловчиларда мактаб ўз вақтида битишига ишонч уйғотмоқда.

Шу эмасми партиямиз депутатининг халқ ишончини оқлаганига кичик бир мисол?!

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишида қонунийликни таъминлаш, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сонли қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ер участкаларини ажратиш ҳамда Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва ечимини қутаётган муаммолар юзасидан вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибияти етакчи мутахассиси Фафур Сулаймонов, ақлия бошқармаси бўлим бошлиғи Сардор Раҳимов, ер-мулк кадастр давлат корхонаси бош муҳандиси Хусниддин Азимов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Дониёр Турсунов ва давлат активларининг бошқариш вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Мустафхон Султоновнинг ҳисоботлари эшитилди.



Мухокамалар марказида – "снос"

– Мамлакатимизда "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурлари доирасида кенг қўлланма бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, – деди О'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси Шухрат Турсунов. – Бу жараёнда айрим раҳбарлар тадбиркорлар томонидан қурилган иншоотларни ҳеч бир оғоҳлантиришсиз, компенсация тўламай бузиб ташламоқдалар. Айрим мутасаддилар халқдан узилиб қолган, маҳалла ва қишлоқларда бўлиб, одамлар билан мулоқот қилмайдилар, кўпчиликнинг дардини тингламайдилар. Ушбу масалада тадбиркорларнинг муаммолари билан мутасаддилар етарли даражада шугулланмагани боис "Яккабоғ воқеаси" келиб чиқди. Бугунги эшитувимиздан мақсад ҳам тадбиркорларни қийнаб келаётган шу каби муаммоларни бартараф этиш борасидаги ишларни таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқишдир.

– Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги "Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш "E-ijro aukcion" ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга ошириладиган бўлди, – дейди вилоят ер-мулк кадастр давлат корхонаси бош муҳандиси Хусниддин Азимов. – "Yer elektron" автоматлаштирилган ахборот тизими жорий қилинди. Ушбу йил 4 августга қадар вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман

(шаҳар) филиаллари томонидан жами 2 751 та (323.93 га) ер участкалари аниқланиб, "Yer elektron"га киритилди. Бу ер участкалари туман ва шаҳар ҳокимликлари, қурилиш (архитектура) бўлимлари ҳамда ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилиб, "E-ijro aukcion" савдо майдончаси орқали 933 та ер участкаси аукцион савдоларига чиқарилган ва 493 та ер участкаси сотилган. 256 та ер участкаси аукцион савдоларида турибди. Шу билан бирга, тадбиркорларга ер сотишда туман, шаҳар ҳокимликлари лоқайдликка йўл қўймоқда. Савдо майдончаси томонидан кўриб чиқилган 185 та ер участкаси аукциондан қайтарилиб, камчиликлар бартараф этилиши учун туман ва шаҳар ҳокимликларига юборилган бўлса-да, улар томонидан аукционга қайта чиқарилмаган. Ахборот тизимига киритилган ер участкалари туман, шаҳарларда ташкил этилган ишчи комиссиялар томонидан ўрганилиб, ваколатли органларга ижобий хулосалар тақдим этилган бўлса-да, 269 та ер участкасини "E-ijro aukcion" орқали савдога чиқариш учун қарор қабул қилинмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сонли қарори билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ, худудий қурилиш бўлимлари уч ва беш иш куни муддатида техник хулосаларни туман (шаҳар) ҳокимликларига юбориши белгиланган бўлса-да, улар томонидан 160 та ер участкаси белгиланган муддатда кўриб чиқилмаган ва хулосалар берилмаган. Туман ҳокимликлари томонидан 47 та ер участкаси бўйича маълумотлар ишчи комиссиясига юборилмаган. Ишчи комиссиялари ҳам етарли даражада ишлаяпти деб бўлмайди, 10 та ер участкасига тегишли хулоса (маълумот)ларни тақдим этиш пайсалга солиб келинмоқда. Булар – худудий ДСНЭМлар, ёнгин хавфсизлиги, экология

ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимлари, геология ва минерал ресурслар қўмитаси, ер тузиш ва давлат солиқ инспекцияларидир.

– Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан асосий йўналиш ва вазифалар белгилаб берилганди, – деди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Дониёр Турсунов. – Жумладан, хусусий тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, тиббиёт ихтисосликларига мос келадиган ва санитария талабларига жавоб берадиган бино ва хоналар билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Шу йилнинг бошида 338 та хусусий тиббиёт муассасаси мавजूд эди, ҳозирда улар сони 399 тани ташкил этмоқда. Ўтган уч йил мобайнида 20 та давлат мулки объекти хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш учун тадбиркорларга берилди. Шартномага асосан бу объектларга тадбиркорлар томонидан 27,7 миллиард сўмлик инвестиция киритиш ҳамда 352 та янги иш ўрни яратиш мажбурияти юкланган эди. Ҳозирга қадар 4 та объекта 2,1 миллиард сўмлик сармоя киритилиб, хусусий тиббиёт муассасалари фаолияти йўлга қўйилган ва 43 та янги иш ўрни яратилган. Қолган 16 та объекта инвестиция киритиш жараёни давом этмоқда. Бугунга қадар 12,1 миллиард сўмлик инвестиция ишлари бажарилиб, 85 та тиббиёт ходимининг бандлиги таъминланиш арафасида.

Йиғилиш иштирокчилари қайд этганидек, фуқаролар ер участкалари қай тарзда олиб қўйилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ер ажратилишига доир талаблар борасида ҳеч қандай маълумотга эга эмас.

Тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлган ёшлар ер участкаси олиш учун қимга мурожаат қилишни билишмайди. Улар турли идоралар эшигига сарғайиб, қимматли вақтларини ўтказмоқдалар. Кўпчилик тадбиркорлар "снос"га тушган бинолари учун компенсацияларни ололмаётдилар. Вилоятда бешта бозор худудидидаги бинолар бузилган эди. Аммо тадбиркорларга бинолар компенсацияси ҳозиргача тўлаб берилмагани боис республика ҳуқуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат қилиб юришибди. Аммо ҳеч қандай натижа бўлмапти.

Хусусий тиббиёт муассасалари сони кўпаймоқда, аммо хизмат ҳақининг қимматлиги туфайли муҳтожлар уларнинг хизматидан фойдалана олмаётдилар. Ойига 400 минг сўм нафақа оладиган онахон ёки отахон кунига 100 минг сўм (дори-дармондан ташқари) тўлаб, даволанишга қурбон бўлмайди. Шу боис давлат шифохонасига боришга мажбур. Айрим қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятдан аҳоли норози. Малакали шифокорлар етишмайди, беморлар учун бу ерда шарт-шароит етарли эмас.

Мулоқот ниҳоясида аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда депутат сўрономалари институтидан самарали фойдаланиш, партия ишонч телефонини ташкил этиш, ер участкалари олиб қўйилиши бўйича қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатларига барҳам бериш мақсадида партия ҳамкор ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва масъул идора, қорхоналар билан ҳамкорликда тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сайфулла ИКРОМОВ, "XXI asr" мухбири

Хаста бўлмасдан бурун...

О'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши ташаббуси билан Республика аҳоли репродуктив саломатлик марказининг Урганч шаҳридаги филиалида партиянинг "Соғлом оила – мустаҳкам оила" лойиҳаси доирасида жамиятда соғлом турмуш тарзи ва аёллар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш мақсадида давра суҳбати ўтказилди.

"Феруз", "Шодлик", "Янги ҳаёт" каби маҳаллалардаги хотин-қизларга она ва бола саломатлиги, аёлларда юзага келадиган гинекологик касалликларнинг олдини олиш, ёш турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, янги туғилган чақалоқларни тўғри парваришлаш борасида Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази гинекологи, О'zLiDeP фаоли Севара Жуманиёзова зарур тавсияларини берди.

– Бугунги мулоқотда иштирок этиб, ўзим учун фойдали маслаҳатларни олдим, – дейди Урганч шаҳридаги "Дўстлик" кўчасида истиқомат қилувчи Гулноза Шокирова. – Ҳар бир бўлғуси она хомиладорликдан олдин саломатлигини мустаҳкамлаши, тиббий-психологик жиҳатдан ўзини шу жараёнга тайёрлаши соғлом фарзанд кўриши учун жуда муҳим экан.

Учрашув қатнашчилари аёллар касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, хомиладорлик даврида аллергия хасталикларни даволаш, бепуштлиқ, мастопатия, камқонликни бартараф этиш борасида ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисидан аниқ жавоб олдилар.

– О'zLiDeP билан ҳамкорликда маҳаллалар кесимида ўтказиладиган тадбирларимиз мунтазамлик касб этганидан хурсандман, – дейди Севара Жуманиёзова. – Бунинг самарасини хотин-қизларнинг тиббий маданияти сезиларли даражада ошаётганида кўриш мумкин. Олдин беморларнинг аксарияти касаллик кучай-



ганда мурожаат қилган бўлса, эндиликда хасталик бошланиши биланоқ шифокор кўригига шошилаётганлар кўпайди.

Тадбир якунида барча иштирокчи хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди. Текширув натижалари асосида айрим касалликлар аниқланган аёлларга даволаниш чоралари бўйича кўрсатмалар берилди.

Партиямиз томонидан ўтказилаётган бу каби амалий тадбирлар туфайли жой-

лардаги хотин-қизларнинг ўз соғлиғига бўлган эътибори ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўғил-қизларнинг соғлом туғилиши ва ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишига замин яратди. О'zLiDeP Аёллар қанотининг энг асосий устувор мақсадларидан бир ҳам айнан мана шундир.

Мушарраф РАХИМОВА, О'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши бўлим мудири

Мурувватсиз яшаб бўлмас

Ҳазорасп туманининг Питна. шаҳарчасида яшовчи Нигора Сапарқулиеванинг кизи турмушдан ажрашган, онасининг уйида туради. Ўзи ҳам, фарзанди ҳам иккинчи гуруҳ ногирони.

Нигора опа неварасини мактабгача таълим муассасасига жойлаш учун ногиронлик арава-чиси олиши, қизини иш билан таъминлаши зарур. Лекин муаммолар шу билан тугаса қанийди. Кредитга олинган уйнинг ойлик тўловларини тўлаш ҳам ёлғиз онага осон бўлаётгани йўқ.

Нигора Сапарқулиева О'zLiDeP Ҳазорасп туман Кенгашига шу каби муаммолари билан мурожаат қилиб адашмаганини сездим.

– Фуқароларга қўлимиздан келганича яхшилик қилишимиз зарур. Бу ҳар бир партия ходими ва депутатнинг халқ олдидаги бурчи, инсоний фазилатидир. Нигора опага амалий кўмак бера олганимиздан ўзимиз ҳам хурсанд бўлдик, – дейди партия туман Кенгаши аппарат раҳбари Мардонбек Абдуримов.

Нигора опанинг айтишича, набираси тумандаги Аталиқ маҳалласида жойлашган 1-сонли кўп тармоқли ихтисослаштирилган МТМга жойлаштирилиб, орадан ўн кун ўтар-ўтмас ногиронлик аравачиси ҳам олиб берилган. Қизини ишга жойлаш мақсадида туман бандликка кўмаклашиш маркази бўш иш ўринлари билан таништирган.

О'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Ўқиш бошқа, уқиш бошқа

О'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Асосий эътибор яқинда қабул қилинган Сайлов кодексининг мазмун-моҳияти ҳамда шу йилнинг декабрь ойида вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга пухта тайёргарлик кўришга қаратилди.

– Сайлов жараёнларига партиянинг ҳар бир ходими тайёр бўлиши лозим, – дейди Сиёсий таълим маркази раҳбари Дурдона Қобулова. – Чунки олдимизда жойлардаги сайлов округидан қўйилаётган номзод ва унинг ишончли вакили билан ишлаш, уларга кўрсатмалар бериш, сайловолди тарғиботларида фаол қатнашиш учун ишчи гуруҳларни шакллантириш вазифалари турибди.

Баҳс-мунозаралар руҳидаги мулоқот давомида депутатлар, БПлар етакчилари ҳар кун сиёсий жараёнлар билан танишиб бориши ва қўтилган-қўтилмаган

ўзгаришларга тайёр туриши, шунингдек, воқеа-ҳодисаларга холисона фикр билдириши зарурлиги таъкидланди.

– Партия тизимида яқинда иш бошладим, – дейди халқ депутатлари Қўшқўпир туман Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ижрочи котиби Дониёр Саъдуллаев. – Шу боис ҳозирги жараёнлар мен учун жуда қизиқ кечапти. Бугунги семинарда айнан мен каби ёшларга зарур бўлган кўплаб маълумотлар аниқ мисоллар орқали тушунириб берилди.

Семинар қатнашчилари "Сайлов кодекси – миллий сайлов қо-



нунчилигимиз ривожидида янги босқич", "Сайлов жараёнларини интернет тармоғида самарали ёритиш усуллари", "Замонавий PR-технологиялардан самарали

фойдаланиш кўникмалари" бўйича ҳам қизиқarli маърузалар тингладилар.

Нилуфар ЖАББОРОВА

Эссе

Пахта иси

Сумбуланинг нуқси ариқларга урди. Ариқларнинг четига нам тепди. Шафтолилар ларзон-ларзон бўлиб юмшади. Чигирткага тўйган куркалар салмоқ билан кадам ташлай бошлади. Дала йўлларидagi тупроқлар деҳқоннинг болдирига етди. Зовур четларидаги итузумдан хўп тотинган чумчуқлар гоҳ у томон, гоҳ бу томон "турр-турр" учди.

Ўзининг пастки шохларидаги кўраклар жилмайди. Лўппи пахталар баргларида юзларига пардалар тортиди. Деҳқонбобо антикиб-антикиб кўймоқда. Деҳқонбобонинг кўни тўғди. Шаҳодат бармоғи билан пешонасидаги терларни сидириб-сидириб ташламоқда. Иил ўн икки ойлик машаққатнинг адоғи кўрингандай бўляпти.

Кошки эди ғўза деганлари саркаш бўлмаса. Қанийди ғўза деганлари нозли бўлмаса. Ғўза деганлари бирам инжиқки, унча-бунча қош-қовоғи осилган янги келинлошлар унинг олдида ип эшолмайди.

Кесаклар, кесаклар... Эрта кўклам даланинг қай бурчида боқманг, ана шу катта-кичик кесакларга кўз тўқнашиб-тўқнашиб кетади. Ғўза деганлари ана шу кесаклар орасидан "Ассалом" қилади. Унинг ас-саломига, унинг жилмайишига учмаган тузук. Булут ичига кириб кетгучи офтобдек феъллари бор бу ғўзаси тушмагурнинг. Биринчи ишлов чинбарг чиқмасдан туриб берилади. Трактор тошбақадан ўзиб кетса ғўза тупроғу кесак ичида қолиши тайин. Дала бошидан дала адоғигача тракторчи бир пиёла чойни кафтида ушлаб борганида ўша пиёладаги чой тиззасига тўкилмаслиги керак. Ахир ниҳолдан айрилиш ҳеч гапмас. Ахир ниҳолни бой бериш лаҳзаларда рўй бериши мумкин.

Ғўза биринчи, иккинчи ишловлардан сўнг ялтиради. Юзимдан ўлиқ ол, дегандек офтобга кўз қисади. Ғўзанинг душмани се-роб. Шапол эсаверса тупроқдан нам чозади. Бир-бир иккинчи ёмғирнинг қулғидан ушлаб ортидан судраса, ғўзаой қатқалокдан тинкаси қурийд.

Ғўзалар чинбарг чиқариб улгурмасдан шира аталмиш дард етиб келади. Трипс аталмиш касаллик ширага шерик бўлиб ниҳолнинг нақд бўзига ёпишади. Ҳар ишловда трактор темирларига олтингургурт тўлдирилган халта осиб қўйилади. Олтингургурт дард хайдовчи дармон. Биологатория ходимлари трихобактера, олтинкўз аталмиш хашоротларни далаларга пардай-пай қўйиб юборишади.

Учинчи, тўртинчи ишловлар оралиғида ниҳолларнинг қўлтиқларида ҳосил тугунлари "ажо-ажо" қилишади. Биз шу ердамиз, дейишади. Деҳқоннинг чопонидан тортиб шивир-шивир қилишади.

Кўп ўтмай тугунчалар шоналарга айланиб деҳқонбобони энтиқтиради. Энтиққан деҳқоннинг кувончи кўлга чўзилмайди. Бегона ўт боласи билан аллақачон кураш бошланган бўлади. Шамак, ажриқ, япалоғу семиз ўтларга хашарчи қизларнинг кетмонлари қирон келтиради.



Деҳқонбобо елкаларини шўр босган чопонининг этаги билан юз-кўзларни артганча кўллари пешонасига айвон қилиб далага тикилади. Унинг даладан умиди катта. Биз айтган шоналар деҳқонбобонинг умиди билан бирга гуллайди, қўшилиб гуллайди. Шоналар аввал оқ гулга, кейин қизил гулга айланади. Шонадан тоқ кўракка айлангунича ғўза етмиш кун тўлғоқда бўлади. 70 куннинг ҳар кунни таъшиш, ҳар кунни кураш десак, муболага бу-логига лаб босмаган бўламиз.

Ғўза жонивор деҳқонбобони пирим, деб атаиди. Деҳқонбобони отам, деб билади. У деҳқон билан кўёшни ҳар дам, ҳар лаҳза бағрига босишга шай туради.

Барака топгур деҳқон шу ғўзани дея бир кунда минг ўлиб, минг тирилади. Қулғига гап кирмайди, бозор-ўчарга югурмайди, ойлаб тўй ошининг таъми қанақа – билмайди. Билгани ғўзаси омон бўлсин. Ғўзасига қурт ораламасин. Даласида бурт бўлмасга капалак учмасин. Капалак учдими, тамом, экинлар учун қаро кунлар бошланади. Бир капалак юзтадан минтагача уруғ қўяди. Бу уруғлар ғўза барглариининг орқасида эмин-эркин нафас олиб майда-майда қуртларга айланади. Аввал шоналарни ейди. Кейин бу қуртлар гулга ўтади. Ана ундан сўнг тирноқ катталлиғидagi юмшоқ кўракларни кемириб, ранглариини сомон қилиб юборади.

Ҳосилотлар анқаймагани тузук. Раислар шохи қўйлакни кийиб ҳадеганди дала четидан қайтиб кетмагани яхши. Шимнинг кири, унинг доғи ювса кетади. Номга теккан, шаънга теккан донни биронта совуну кукун билан кетказиб бўлармикан? Ғалвир сувдан кўтарилганда режа бажаролмай қолган раҳбару, деҳқон учун тадбиркору, ишбилармон учун ким ҳам паноҳкор бўларди? Унинг бошини ким силайди? Қай катта унинг елкасига қўл ташлаб, "баракалла" деган сўзни айтади.

Ғўза навига қараб уч бора сув ичади. Ун, ўн икки мартаба ишлов талаб қилади. Ўғитдан қисинган деҳқон мезонга бориб аттанг дея бармоқ ташлайди. Бу аттангни қайси мард эшитиб, қайси холис тасалли бераркан!

Ғўза деҳқоннинг кафтида ўсади, деган жумлага беш кетаман. Шу иборанинг мазмунига махлиё бўламан. Рост-да, ғўза далада умргуззорлик қилгани билан деҳқон уни кафтида кўтариб юргандай бўлмаса ҳаммаси бекор, ҳаммаси уч пул.

...Отамизга чошгоҳлилик чой олиб борардик. Эркак қамшдан таралаётган сув жуякларда яли-яли айтиб оқарди. Кейин қамиш найлар ўрнига чигит келтирилган сариқ қозанининг қозғолази ишлатила бошлади. Уват четларидан серкадай сакраб борардик. Уват четларидан кўендек юриб-елардик. Беҳишт паллар эди. Хузурбахш дамлар эди. Отамиз оққандни чойга ботириб шимиб-шимиб қўярди. Кўзининг жиякларни қизариб кетган отамиз уйқуираб мункиб-мункиб қўярди. Отамизни чойлантириб бўлгач, уват четларида серкадай бўлиб, кўендек бўлиб юрганча яна уйга қайтардик...

Шу тариқа ёз ўтарди. Кейин август келарди. Шивирингни ой эшитадиган дамлар бошланарди. АН-Боёвут-2 нави шохларини тўрт томонга ташлаб ялпайиб ётиб оларди. Қўраклар қозондаги бодрокдек бодраб кетарди. Чаноклар оқ дурларга лиммо-лим тўлиб кетарди. Қишлоқда, далаларда пахта иси анқирди. Келинлару-жувонлар минг юзларини олиб қочгани билан унда-бунда учган мезонлар уларнинг боқира юзларидан муччи олиб чарчамасди.

...Ҳозир ҳам ана шундай кунлар келди. Деҳқоннинг юзи билан кўзи қўшилиб куладиган бўлди. Лўнда айтганда деҳқоннинг сигири қўшалоқ бузоқлади. Тупроқни қаранг! Бўрсиллайди... Тонгу-шомда улар

тўзғиб энса қотирмайди. Қалдирғочлар учинчи бор болалаб чиқди. Хайр-хўшга тараддуд кўраётган жониворлар қайда-сан жануб, дея Туркистон тизмаларига бот-бот қарашади.

Шошиб-шошмайдиган кунлардир ҳозир. Рустам Ақромов деган жўрам тўрт йил аввал "Қирқма қовунни қачон узсам бўлади" деди. Мезон киргач, дея жавоб бердим. Тасодифан 21 сентябрь кунни жўрамнинг кўчасидан ўтсам, у бир машина қирқмани дарвозасига тўғрилаб турибди. Қўлимдан маҳкам тутиб ҳовлига судради. Қовун сўйди. Бир пиёла шакар сўрадим. Рустамнинг бир қоши баланд, бир қоши паст бўлди. "Шакарни қовунга қўшиб ейман..." дедим бироз жаҳлим чиқиб. Сувада маза бўлса бордир, аммо бу қовунларда маза йўқ эди. Нега шовдинг, нега қовунни хом уздинг, дея уни қойиб бошладим. Рустам ичкаридан календарь кўтариб чиқди, 21 сентябрь қизил калам билан ўраб қўйилганди. "Бугун мезон ойи бошланди. Ўзинг қирқмани мезон ойида уз деб айтмаганимдинг. Ё гапингдан тонасанми?..."

Биродарлар, ўзингиз айтинг, бу таънао эътирозлардан қайга қочай? Кузу кузада ана шундай кишилару, ана шундай хангомалар бўлиб туради. Буёғи ўзбекчилик...

Далаларни, қишлоқларни, йўл четидagi даштларни пахта иси тўтиб кетди. Кечагина ўт юлиб, тузуккина кўллари толган, нозик белларига оғриқлар оралаган қизу жувонлар этакларни бир сидра кўздан кечириб қўйишди. Мустаҳкам бўлисин, дея этакнинг тўрт четига игна уриб чиқишди.

Юртда тараддуд дамлари бошланди. Қишлоққа келадиган меҳмонлар бир-икки ой сабр қилсалар нур устига аъло нур бўларди. Тўйларга ҳам андак-кина дам берилса саз бўларди. Ахир кузнинг кунлари ҳам бир тутам-да. Ахир кузнинг бир кунни йилга дастурхон тўшайди-да. Ахир кузнинг ҳар лаҳза Мурунгову Маржонбулоқ тиллоси билан тенглигини ким ҳам билмайди, дейсиз.

Райимқул Эгамов деган биродарим бўларди. Режани дўндиргач, хирмондаги пахта уюмига ётиб олиб тушликка ҳам чиқмасди. Раҳматлининг хўп феълй бор эди. "Пахта-нинг исини искайман дея бир йил кутдим... Жон оғайнилар, мени бир-икки соатга тинч қўйинглар... Шу пахта исига тўйма-сам на юргандай, на тургандай бўламан..."

Моможоним кузагим! Энажоним кузагим! Пахта исини далалардан қишлоқларга уфур. Бешиқларга уфур. Боғларда, даштларда, қиру-сойларда юргувчилар сенинг келганлигингни сезиб юзларига севинч илаштиришига умид қиламиз.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист



Ҳожибой Тожибоевни хотирлаб...

У саҳнада пайдо бўлиши билан одамлар тартибсиз кулабошладилар. Ҳожибой қаншарини қашиб қўйганиди, кулги тагин авж олди.

Унга гул тутқазиди. Ҳожибой гул ўралган газетани олиб, ундаги сарлавҳаларни ўқигиша киришди.
"Чўққалар яхши семирмоқда"
Залда кулги.
"Прокурор пора олмайди".
Кулги.
"Доллар қадрсизланмоқда"
Қаҳқаҳалар...

Ўзбекнинг ўзи қизик, ўзидан сўзи қизик, давом этди у. Бир жойга меҳмон бўлиб борган эдик. Бир маҳал унинг эгаси кириб: "Меҳмонжонлар ёзилгиб ўтиринглар", деса бўладими?! Йўқ, дедим мен, анаёққа бораман.

Фалончи юрармиш, дейишади. А, юрда-да! Ўтирсинми?

...Зайниддин Зидан шундай бораётган

Бир елкада Раҳмон, бир елкада...

Манзилни тушунтирасиз. "Озроқ кўшин" дейди таксичи. "Ўзингиз озроқ тушинг" дейсиз. Келишасиз. Тирикчилик-дасизгаям, ҳайдовчиғаям.

Таксига ўтирасиз.
"Ака, йўлдан одам чиқса, олиб кетаман, майлими?" дея қимтиниб сўрайди. Сезасиз, ичида бироз ҳадик бор: пул берган одам бир ўзи кетишни хоҳлашини билади. Сизнинг ҳам ичингизда жиндек ҳадик бор: у айтган пулдан камроқ бердингиз... Оғринмасин, харажати оли қопласин, дейсиз.

Йўлдан одам чиқа қолса, иккинчисининг ҳам кайфингиз чоғ бўлади: ҳарна, енгиллик бўлади.


Бундай пайтда ҳайдовчилар секингина "Оёгингиз енгил экан" деб кўяди шивирлаб. Тилида айтмаса, дилида айтади барибир.

Бундай пайтда ўнг елкангизда ўтирган раҳмон қаноат ҳосил қилишингизга рағбат беради.

Аммо, йўлдан одам чиқмаса-чи? Менда шундай бўлди. Шаҳарнинг у четидан бу четигача юрдик таксиди, одам чиқмади. Кела-келгунча, ичимни ит тирнади: пулини камроққа келишган эдим, одам олмоқчи эди, бир қанча йўловчи қўл кўтарди, манзили тўғри келмади...

Ўнг елкангиздаги Раҳмон энди айбдорлик ҳиссини туйдиришга бел боғлайди: "қадамим оғир келдимми?..."

Ўзбекчиликми ё одамликми, билмайман, аммо қадамингиз енгил келиб, қутилгани-



эди. Ҳалиги рақиб бир нима деди-да. Шундай орқасига қайтиб: "Бир нима дедингми" деб сўради ва жавобини ҳам эшитмай, битта калла қўйди. У чўзилиб йиқилди! Кейин футболнинг, чемпионатингизга, деб чиқиб кетди...

Нусрат РАҲМАТ бисотидан.



дан зиёда йўловчи олса-ю, сизни манзилга етказгунча бир олам пул ишлаб олса-чи ҳайдовчи? Ростини айтинг, чап елкангиздаги шайтон ичингизни бироз ғимирлатадими? "Сени деб шунча пул ишлади-я..." дейдимми чап елкангиздаги...

Тирикчилик-да...
Ё шайтон, ё Раҳмон, дейдилар.
Одамнинг фикри кўнглидагидан кўра ғариброқ бўлади.

Шу учун кўнглини кенг қилинг дейишади...
Одамнинг кўнгли кенг бўлмагунча, икки елкадаги икки олам курашувидан бошқасини билмайди, қалбининг сезиларидан, унинг оғриқларидан лаззат туймайди.

Сизда ҳам шундайми? Бахтин қайси елкага қулоқ тўтиб қидирясиз? Қай бирининг измида туриб топгансиз БАХТни?

Жасур КЕНГБОВНИНГ
Фейсбукдаги шахсий саҳифасидан

Ватан манзумаси

Кўллариингни бер, Мўйноқ!

*Қанча довондан ўтдик,
Қумли бўрондан ўтдик,
Наҳот сени унутдик,
Бизларни кечир, Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*Ёздамас қишлаб келди,
Шаҳд қадам ташлаб келди,
Юртбошим бошлаб келди,
Тур ўрнингдан, тур, Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*Бир жаннатий жой берсак,
Бетакрор чирой берсак,
Сени қўлдан бой берсак,
Келажак не дер Мўйноқ?
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*Рўмолингни учирдинг,
Қимиз, қимрон ичирдинг,
Бошингдан не кечирдинг?
Бизга сўйлаб бер, Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*Дардини айтолмаган,
Ортига қайтолмаган,
Дуо қилиб толмаган,
Сабр Мўйноқ, Сир Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*Аёз демай, қор демай,
Ёзда дўппи тор демай,
Бошқа ишим бор демай,
Келдик, бу меҳр Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*Кўбиз чалган жировадай,
Тўйга тайёр ўтовдай,
Тўйга шовшган кўведай,
Қунаб, кулиб тур, Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*Бирлашдик ўсаепмиз,
Бўронни тўсаепмиз,
Қумларни "кесаепмиз",
Нодир Мўйноқ, дур Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*Саксовул саси билан -
"Саҳро бекаси" билан -
"Чул маликаси" билан,
Сирли суҳбат кур, Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*БМТни қаратган,
Дунё нигоҳин тортган,
Кўзиндан қуминг артган,
Юртбошим эрур Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

*Гуллар бағринг чамани,
Эй, меҳринг маҳзани,
Ҳа, демайин ҳаммани,
Тўйларга чақир, Мўйноқ,
Кўллариингни бер, Мўйноқ!*

Зулфия МҮМИНОВА



Олой бозори "стоянка"сига кирманг!

Бир юмуш билан Олой бозорига кирдик. Кириш пуллик, биламиз. Вақтинча тўхтайдиган жойга машинани қўйиб, йиғирма дақиқада қайтиб чиқдик. Ҳеч эътибор қилмаган эканман.

Шеригим – ҳар доим ҳақини талаб қиладиган одам чиқишда "стоянка"чидан чек сўраб қолди. Сездик талабимиз ёқмади. Аввал пешонаси тиришди, кейин касса апаратыни электр токига улаб, мингирлади. Кетаверайлик, десам, муҳбир ошнам оёқ тираб олди: "Йўқ, қани паттасини берсин-чи, нима деб ёзилган экан, кўрайлик". Ортимизда беш-олти машина йиғилиб қолди. "Шу қозғоқ ўзи сизга нимага керак, вақтни олиб" дея дағдаға қилса бўладими ҳалиги қоровул. Охири чек ўлгурни бир илож қилиб қўлимизга жаҳл билан тутқазаркан, тўнғиллаб ҳам қўйди: "Кейинги сафар сўраб ўтирманглар!"

Чекни қўлига тутганча ҳамроҳим тўхта-тўхта, дея бақириб қолса денг. Буни қарангки, тўхташ жойига берилган касса апараты кечадан бери ишлатилмаганми, билмадик, қозғоқда кечаги сана, устига устак энг биринчи рақам турарди! Ана холос, мана сизга кўппа-кундузи қилинаётган талончилик! Бундан бошқа атама тополмадик.



Тасаввур қиялмасими, биз эрталаб соат тўққизларда "стоянка"га кирдик, бизгача ва кейин яна қанча техника бу худудга кириб чиққан. Демак, тутқазилаётган чек қалбаки, номига урилган қозғоқ бўлиши мумкин-ку!

Оддий арифметика, ҳисобланг, бир соатда Олой бозорига қарашли "стоянка"нинг тушуми қанча бўлади? Шу маблағнинг неча фоизи давлат бюджети ҳисобига тушяптию неча фоизи ебтўямаслар чўнтагига қиялпти? Буёғи, энди талончилик, ўйриқдан бошқа нарса эмас! Сиз нима дейсиз?

Эргаш ТОШМАТОВ,
ҳайдовчи

Ишлайман, халқимга хизмат қиламан деганнинг замони келди

дейди пойтахтимиздаги “Ўзимизники” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, партия фаоли Мухлиса Акрамова



Мақсад аниқ

Барчага маълум, республикада тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнес юриштиш учун қулай муҳит яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири ҳам айнан хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, соҳа ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга қаратилган. Ва шу орқали “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш гоёси илгари сурилган эди.

Беларусликлар харидор

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Беларусь Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасида ҳам айни масала – савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, саноат кооперацияси ва ҳудудларо ҳамкорликни ривожлантириш тақлифини берди. Мазкур давлат билан кейинги икки йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб тўрт баробар ошганини, бу суръатни сақлаб, савдо айланмасини янада кенгайтириш кераклигини бежиз таъкидламади. Бунинг учун маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, бизнес-форум ва кўрғазмаларни мунтазам ташкил этиб, мавжуд захираларни имкон қадар ишга солиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг барча йўналишларини қамраб олиш муҳимлиги қайд этди.

Ташриф доирасида “Made in Uzbekistan” деб номланган мамлакатимиз саноати кўرғазмаси ҳам ташкил этилгани алоҳида эътиборга лойиқ. Муддао – корхона ва тадбиркорлик субъектларимизнинг маҳсулот ва хизматларини намойиш этиш орқали белоруссиялик ишбилармонларни Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш, экспорт, туристик ва инвестициявий салоҳияти билан таништириш, ҳамкорликка жалб этиш.

Қарангки, ўша кўрғазмада маҳсулотларимиз билан танишган беларуслик ишбилармонларнинг аксарияти орадан кўп вақт ўтмай юртимизга келиб, ишлаб чиқариш субъектларимиз билан аллақачон ўзаро ҳамкорликни бошлаб юборишди.

Пойтахтимизда 2015 йилдан бери трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқариш билан фаолият юрताётган “Ўзимизники” масъулияти чекланган жамияти корхонасида айни пайтда жаҳонга машҳур савдо белгиси ҳисобланмиш “Belarusachka” компанияси вақтлари меҳмон. Яқиндан танишув ва ўзаро ишонч ва ҳамкорлик нияти ўлароқ “Ўзимизники” ва “Belarusachka” ўртасида ҳар ойда 30 000 АҚШ долларлик тайёр маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди!

Аёллар учун сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариб, миқдорларининг кўнгилдан муносиб ўрин олиб келаётган мазкур компания номини билмайдиган хотин-қиз бўлмаса керак. “Belarusachka”нинг юқори технологиялар асосида тажрибали

мутахассислар томонидан нозик дид билан тайёрланган турли хилдаги кийим-кечаклари ўта нафислиги, сифати, чидамлилиги, бетақдорлиги билан ҳар қандай хотин-қизни ўзига жалб этади.

Эндиликда “Ўзимизники” “Belarusachka” савдо белгиси учун тайёр маҳсулот тайёрлайди. Бундай ҳамкорликнинг яна бир аҳамияти шундаки, бу жараёнда бизнинг аёлларимизнинг маҳорати янада ошади. Сабаби, айни пайтда ушбу хорижлик ҳамкорлар ўзлари истаган маҳсулотни тайёрлатиш учун тажрибали мутахассисларни ҳам олиб келишган ва улар бу ердаги тикувчиларга маҳорат дарсларини ўтишмоқда. Корхонага кириб борар эканмиз, замонавий тикув машиналарида қўли-қўлига тегмай либос тикаётган моҳирларни кўриб завқимиз ортди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос оҳанрабо бор, бир келган одамнинг қайтиси келмай қолади, – дейди ҳамкор корхона вакили, технолог Елена Чубарова. – Бизни қизиқтирган жиҳати, бу диёрда ўсган пахта



толеси пишиқ бўлади ва ундан тайёрланган газламалар маҳсулот харидорлигини ошириши шубҳасиз. Юқори сифатли кийим-кечак тикиш учун жуда сифатли газлама, юксак имкониятга эга технология ва бой тажрибага эга мутахассис керак. Биз фаолиятимизда ана шу уч тамойилга эътибор қаратамиз. Акс ҳолда бугунги рақобатлар майдонида голиб келиш кийин. Маҳорат дарсларимизни бошлаганимизга унча кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, ўзбекистонлик тикувчилар бизнинг андозаларимиз асосида кийимларни нозик дид билан бор меҳрини бериб тикиб, миқдорларни пол қолдиришди.

Ҳа, иш қуролинг соз бўлса машаққатинг оз бўлур, деб бежизга айтишмаган. Қулай шарт-шароитлар, қолаверса қутилаётган истиқболдан руҳланган ишчи-хизматчилар янада ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Бичувчи Шухрат Абдуллаев, тикувчи Дилноза Миралиева, Нилуфар Абдуллаева, Шаҳноза Тиллаева билан суҳбатлашганимизда улар вақтларни қизганган ҳолда биз билан мулоқотга киришганларини кўриб аввалига ҳайратимиз ошди. Кейин тушундик. Англаганимиз – жамоанинг ҳар бир аъзоси корхона келажиги, тараққиёти учун ўзини масъул деб ҳисоблайди.

Ишлаганга имкон бор

– Бугун тадбиркорлик билан шуғулланман деганлар учун юртимизда барча шароит, имкониятлар яратиб берилган, – дейди пойтахтимиздаги “Ўзимизники” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, партия фаоли Мухлиса Акрамова. – Фақат иштиёқ ва шижоат бўлса кифоя. Фаолиятимизни 2015 йилда инвестициявий лойиҳа асосида бошлаган эдик. Тинимсиз изланиш ва машаққатли меҳнатлар самараси ўлароқ қисқа муддатда юқори натижаларга эришиб келаяпмиз. Турли хилдаги болалар ва катталар кийим-кечакларимизга нафақат маҳаллий бозорда, хорижда ҳам йил сайин талаб ва эҳтиёж ортиб борапти. Эндиликда фақат экспортга ишляпмиз. Ўтган йилда Қозғистон, Россия ва Беларусь Республикаларига 34 500 АҚШ долларлик маҳсулот йўналтирдик. Йиллик товар айланма маблағимиз 5 миллиард сўмга етди.

2019 йилнинг шу давригача эса 116 000 АҚШ долларлик маҳсулотимизни ушбу давлатларга сотдик. Йил якунигача экспорт ҳажмини 1 миллион АҚШ долларига етказишни ният қилдик ва бу борада тегишли шартномалар имзоладик. “Belarusachka” билан ҳамкорлигимиз ҳам хайрли бардавом бўлишига ишонман. Президентимиз тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган бир пайтда биз ҳам давлат ва жамият қурилишида, хотин-қизларни иш билан таъминлашда, оилаларни фаровонлигини оширишда ўз ҳиссамизни қўшиб, камарбаста бўлишимиз керак.

Оилада тинчи бўлса аёлнинг...

– Албатта бу каби муваффақиятларимизда ишчи-хизматчиларимизнинг кўмаги, ёрдами жуда катта, – дея сўзизда давом этади Мухлиса Акрамова. – Кўп йиллар тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасидаги жўшқин фаолиятим давомида ва бир неча бор туман Кенгаши депутати сифатида хотин-қизлар билан ҳамжиҳатликда қўлимдан келгунича мунтазам равишда мулоқотда бўлдим. Юзма-юз учрашув, суҳбатларда уларнинг аксарияти иш вақтини кундузги соат билан ошмаслигини, оилалари, фарзандларига ҳам вақт ажратишлари зарурлигини сўрашарди. Шу боис ишчиларимиз асосан аёллардан иборат бўлгани боис бизнинг корхонада иш вақти 8 дан 5 гача белгиланган. Тошкент вилоятининг турли туманларидан келаётган ишчиларимиз учун транспорт хизмати йўлга қўйилган. Нонушта ва тушлик бепул. Улар ишдан сўнги бемалол уй иши ва фарзанд тарбиясига вақт ажрата

олишади, бу ерда ҳам хонадонларидан кўнгиллари хотиржам бўлиб ишлашади. Хурсанд бўламанки, мана шу 100 нафар суянчиқларим шу аҳил жамоада ўз ўрни, ризқини ҳалол меҳнати билан топиб, оиласи иқтисодини тиклаётганидан, бир сўз билан айтадиган бўлсам, рўзғори бут, тўкин бўлаётганидан бошим осмонга етади. Инсон ҳар доим эзгу ният билан яшайди, насиб этса, шу йил охиригача чевар аёлларимиз сафини янада кенгайтиришни режалаштириб қўйганмиз. Яқин орада Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида ҳам корхонамиз филиалини очиб, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашни кўзлапмиз.

Экспорт ҳажмини янада ошириш мумкин(ми?)

Бу саволимизга жамият таъсисчиси қуйидагича жавоб берди:

– Албатта мумкин, мақсадимиз ҳам шундай, яъни ойига 200 000 АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиш. Бу дегани йилига 2 400 000 АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотимиз хориж бозорларини эгаллайди. Бандликнинг ошиши ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқни кучайтиради.

Бунинг учун тижорат банкларимиз тегишли ҳужжатларда белгилаб қўйилганидек, имтиёзли сармоялар билан ўз вақтидан кечиктирмай қўмаклашиши, ижарага қўювчи ижара нархини оширмаслиги талаб этилади. Кези келганда айтишим лозим, корхонамиз жойлашган Яққасарой кичик саноат зонаси (собиқ Тўқимачилик комбинати) 2015 йилда 2 141 кв. метр ҳудудни инвестициявий лойиҳа асосида 10 йил муддатга ишлаб чиқариш биносини таъмирлаш, енгил саноат учун мослашув ва фаолиятни амалга ошириш учун ижара ҳақини оширилмаслик шарти билан ажратиб берган эди. Аммо шартномага зид равишда жорий йилнинг ўзида ижара ҳақи 4 баравар оширилди. Бу эса жамоадаги ишчанлик муҳитига, белгиланган истиқболли режа-



“XXI asr” мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА ёзиб олди. Суратларни Шухрат РАҲИМОВ олган

Контракт тўладингизми, солиқдан озодсиз

Ўғлим контракт асосида ўқишга кирди. Ойлик маошимни унинг тўловиغا йўналтирсам, иш ҳақимдан даромад солиғи олинмайдими?

М. Самариддинова, Чилонзор тумани

Қонунчиликка кўра, фуқароларнинг ўзи ёки 26 ёшга тўлмаган фарзанди олий ўқув юртида ўқиётган бўлса, контракт пулини тўлаш учун йўналтириладиган маб-

лағлари (масалан иш ҳақидан) суммаси даромад солиғидан озод қилинади.

Таълим кредити кимларга фоизсиз берилади?

Таълим кредити олишда кимларга имтиёзлар бор?

жавоб беради

А. Салимова, Ургуч шахри

Банклар томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун уларнинг ўзларига, ота-оналари ёки васийларига таълим кредитлари берилиши мумкин. Таълим кредитлари талабалар учун бакалавриатга ўқишга қабул қилинганда 10 йилгача ва магистратурага ўқишга қабул қилинганда 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Банклар томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

- * чин етимлар, “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганлар ҳамда болалиқдан I ва II гуруҳ ногиронларига – ноль фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);
- * талабаларнинг қолган тоифаларига – Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредити учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- а) ариза;
 - б) тўлов-контракт шартномаси (контракт);
 - г) кредитни қайтаришнинг таъминлиниши тўғрисида ҳужжат;
 - д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганлар, болалиқдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.
- Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айни бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур қўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

Саволларга Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси Анвар ИБРАГИМОВ жавоб берди

Хизматчига куч ишлатилса...

Ижтимоий тармоқларда касб вазифасини бажараётганларга нисбатан айрим фуқаролар томонидан куч ишлатиш ҳолатлари акс этган видеоёзувлар тарқалмоқда. Бундай ҳолатда қонунчиликда қандай жавобгарлик кўзда тутилган?

Р. Бойматов, Ургут тумани

Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсларга нисбатан қонуннинг ҳаракатларини содир этиш жавобгарликка сабаб бўлади. Хусусан, бундай ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан:

- * қасддан баданга оғир шикаст етказиш – 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;
- * қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш – 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;
- * қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш – 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;

озодликдан маҳрум қилиш билан;

- * ҳақорат қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;
- * мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш – 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

МАХАМ СИРЧИҚ

АЖ "МАХАМ-СИРЧИҚ"

ЖАМОАСИ

Азиз Ватандошлар!

Энг улуг, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 28 йиллик шодиёнаси барчамизга муборак бўлсин!

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга фаровонлик, юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган фидокорона меҳнатларингизда улкан зафарлар тилаймиз!



Хизматлар лицензияланган.

ИПОТЕКА БАНК



Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

Ипотека-банк жамоаси барча юртдошларимизни Мустақиллик байрами билан табриклайди!

Ушбу байрам диёрини севгану унинг машхур тарихини ва кўп йиллик анъаналарини эъзозлаган, Ватани равнақи йўлида ўз кучи ва меҳнатини, билим ва истеъдодини аямаган барча инсонларни бирлаштиради. Сизга ва яқинларингизга соғлиқ, бахт, фаровонлик ҳамда барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини тилаб қоламиз.

28

www.ipotekabank.uz 78-150-89-55

Хизматлар лицензияланган.



ОҚ САРОҲ ТЕХТИЛЕ

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Дилда фахр, ифтихор уйғотадиган муборак айём, унутилмас тарихий сана – Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг йилнирма саккиз йиллик байрами барчангизга қутлуғ бўлсин!

Бунёдкор халқимизнинг азму шижоати, толмас кучи эвазига қад кўтарайтган муҳташам бинолар, кўркем иншоотлар, гўзал масканлар, ҳеч шубҳасиз, исмиқлолимиз туфайлидир.

Ана шу, чин маънодаги кўнғил ободлиги ҳеч бирингизни тарк этмасин, азиз ватандошлар!